

**Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
Маданият ва спорт ишлари вазирлиги**

Ўзбекистон давлат консерваторияси

Н.А.МИРЗАЕВА

ХОҲАНДАЛИК УСЛУБИЁТИ АСОСЛАРИ

Марузалар матни

Тошкент - 2008

Тақризчи: Доцен в.б. Т.А.Мамиконян

Кейинги йилларда Ўзбекистон давлат консерваториясида маърузали фанларни муаммоли йўналишдаги маърузалар шаклида ўқитиш йўлга қўйилди. Ушбу маърузалар матнини тузишда ҳам санъат соҳасида, хусусан мусика санъатига оид фанларни замон талабидан келиб чиқиб, янги педагогик ва ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда машғулотларни олиб биришга асосий эътибор қаратилган.

“Хонандалик услубиёти асослари” ўқув фани бўйича маърузалар мавзуси ва сони жорийдаги ишчи ўқув режасида ажратилган соатларга биноан белгиланган ва ҳар бир мавзунинг қисқача матнларидан иборатдир.

ЎзДКнинг Илмий-услубий кенгаши томонидан қўпайтиришга тавсия этилган (2008 йил, 5 май, баённома № 5).

КИРИШ

«Хонандалик услубиёти асослари» фани хормейстерлик ихтисослиги бўйича таълим олаётган талабаларга хонандалик санъати билимларини ўргатувчи махсус фанлардан биридир.

Бу билимлар хор жамоаларининг ижрочилик маданияти профессионал даражада бўлишлигини таъминлайди. Хор дирижёрларини дунё стандартларига жавоб берадиган билимли, юқори малакали мутахасис қилиб тарбиялашда хонандалик назарияси билимларининг ўрни каттадир. Шу билимларни бериш мақсадида «Хонандалик услубиёти асослари» фани ўқув режасига киритилди. Фаннинг вазифалари:

- талабаларни вокал-хор малакаларининг асосий услублари билан таништириш;

- куйлаш кўникмаларини хонандалик назарияси ва услуби билимлари билан тўлдириш;

Курснинг асосий мазмуни:

1. Овоз хосил қилиш малакалари ва физиологияси тахлили;
2. Вокал – хор малакалари услубиёти.

Дарслар 1 курснинг 1 босқичида олиб борилади .

1-мавзу. Ўзбек халқ кўшиқчилиги.

Ўзбек халқи минг йиллар мобайнида ўз хурсандчилигини, дарду-аламини кўшиқ ва куй орқали изҳор қилган. Мусиқа ва кўшиқ куйлашга муҳаббат Ўзбекистон халқи юрагида доимо мавжуд бўлган.

Ўзбек халқининг мусиқий меъроси йирик 2 йўналишдан: 1-халқ кўшиқлари ва чолғу куйлари; 2-оғзаки профессионал меъросидан иборатдир. Халқ мусиқаси-кенг омма орасида мавжуд бўлган бўлса, профессионал мусиқа эса-уста ижрочилар (касбий) санъати махсулидир.

Фольклор мусиқа кўшиқчилигининг турли жанрларидан иборат. Уларни икки гуруҳга ажратсак бўлади: I-гуруҳ: меҳнат (пахта терди, майда), тўй маросими (ёр-ёри), маросимий (йиғи, марсиялар), алла. II- гуруҳ: кўшиқ, лапар, ялла, ашулалардир.

I гуруҳ кўшиқларидан иккинчисининг фарқи уларни кенгроқ маънони ёритишидир. Ўзбек профессионал мусиқаси асрлар давомида куйланиб, ривожланиб келган бўлса ҳам, XX асрга қадар нота ёзувига туширилмаган. Профессионал мусиқа, йирик ҳажмли кўшиқлар, ашула ва рақс тўпламлари, мураккаб вокал-чолғу асарлар - мақом, кўшиқ ва мусиқани ўз ичига қамраб олган.

Ўзбекистонда бухоро ва хоразм Шашмақомлари мавжуд. Шашмақом XVIII асрда бухорода яратилгани учун бухоро Шашмақоми номини олган. Хоразмда Шашмақом «Панджгоҳ» қисми билан тўлдирилган. Шашмақом қисмлари: уфори - рақс қисми, вокал-чолғу қисми - наср, бу қисм сарахбор билан бошланиб, яқка хонанда қисми - талқин билан давом этади. Талқиннинг таркибига тарона-яъни хор қисми (кўпчилик куйлайди) киради.

Профессионал мусиқага катта ашула ҳам киради. Халқ хофизларидан юқори салоҳият ва ўз касби усталари; Хожи Абдулазиз Расулов, Дамулла Халим Ибодов, Леви Бобохоновларни тилга олиш лозим.

Куйлашнинг анъанавий услублари, бунниги, гулиги ва ишкомалардир. бунниги-бурунга; гулиги-томоқда куйлаш; ишкома ёки хонакой профессионал (купол-танглай товуши) - яхши талаффуз, овоз барча регистрларда равон эшитилган.

Хонандалик услубиёти асослари

Хонандалик санъатининг асосларини ўрганар эканмиз жаҳон хонандалик мактаблари тарихига назар ташлашимиз лозим. Республикамизда академик куйлаш услуби асосан рус хонандалик мактаби тажрибасига таянгандир. Рус академик хонандалиги ирмоқлари эса – рус халқ кўшиқларининг ўзига хос куйчанлиги, куйининг кенглиги ва маъносининг бойлигини ўзига жамлаган. Ўзига хосликни авайлаган ҳолда рус хонандалиги мактаби Италия, Франция ва Германия хонандалик мактабларининг бой удумларини ўзлаштирди. Унинг ривожига ўз ҳиссасини қўшганлардан Г. Ламакинни айтиб ўтишимиз мумкин.

Унинг 1837 йилда яратган «Методу пения»-1 ва «Методу пения»-2 асарлари, Ф.Евсеевнинг 1833 йилда chop этилган «Школа пения» асари, А.Варламовнинг «Полная школа пения» асарларидаги кўрсатмалари замонавий куйлаш принциплари билан ҳамоҳанг ва ҳамбарчас боғлиқдир.

Рус хонандалиги мактабининг ривожига катта ҳисса қўшганлардан, Глинкага қадар давр бастакорлари ҳам ҳисобланишади, булар: Д.Бортнянский, А.Верстовский, А.Гурилёвлардир. Лекин айнан Глинканинг ижодида миллийлик ёрқин ифодаланади. Глинка рус классик хонандалиги мактабининг асосчисидир, бунга 1836 йил 27 ноябрда намойиш этилган «Иван Сусанин» операси премьераси сабаб бўлди дея оламиз. Рус бастакорлари миллий мусиканинг анъаналарини сақлаган ҳолда унга янги интонациялар, усул ва гармониялар олиб кирдилар, бу хонандалик мусикасининг ривожига катта таъсир кўрсатди ва хонандалар олдига янги вазифалар қўйди. Рус хонандалиги мактабига ҳиссий ифода, услубларининг кўп қирраллиги ҳосилдир. Бу услубларга эга инсон барча тилларда аъло даражада куйлай олиши мумкин. Бунда нафасдан фойдаланиш, танглай иш фаолияти, яъни резонатордан фойдалана билиш, матнга юқори эътибор, бадиий ҳақиқат яратиш катта аҳамиятга эгадир.

Бошқа миллий хонандалик мактабларидан фарқли, рус хонандалик мактаби итальян бельканто услубини ўзида мужассам этди ва ривожлантирди. Бунга рус тилидаги (итальян ва украин тилларига ўхшаш) унли харфларнинг куйчанлиги сабаб бўлди.

Академик йўналишда барча миллат вакиллари куйлай оладилар, лекин доим талаффуз этишда ўзгариш рўй беради. «Тил овоз найчаларининг вибрацион ишига ўз таъсирини кўрсатади, таъсир кўрсатибгина қолмай кекирдак фаолиятида ҳам катта ўрин эгаллайди» (Л.Дмитриев).

Истеъдодли академик йўналишда куйловчи хонанда учун куйлаш қанча осон бўлса, миллий йўналишда куйлаш ҳам шунча осон бўлади.

Ўзбекистонда бу икки йўналишда куйлаган хонандалар бор, булар халқ артистлари К.Зокиров, Н.Хошимов, С.Ярашев, А.Азимов, С.Қобулова ва бошқалар.

Рус профессионал мусикаси айнан хонандалик санъатининг ривожига катта ўрин эгаллади. Глинка: «мусикани халқ яратади, бастакорлар унга сайқал берадилар»-деган эди. Ҳақиқатдан ҳам рус халқ кўшиқлари рус бастакорларининг илхомланиш манбаи бўлган. Унинг асосида биринчи рус опера асарлари яратила бошланди.

Рус профессионал хонандаларининг етишиб чиқишига Россияда черков кўшиқчилиги катта ҳисса қўшди. Киев Русида христиан динининг тўла қабул қилиниши нафақат динга хизмат қилувчиларга, балки мусикий саводи бор хонандаларга бўлган талабни келтириб чиқарди. Манастирлар қошидаги мактабларда хонандалар Мусикий саводни тўлиқ ўрганишар эди. Қадим рус черков мусикаси тўлиқ жўрсиз куйлашга асосланган эди. (Мусикий созлар жўрлиги тақиқланган).

Шу тарика – рус халқ кўшиқлари ва черков кўшиқчилиги, хонандалик маданияти, профессионал академик кўшиқчилигининг дунёга келишида ва ривож топишида муҳим ўрин эгаллади.

XVII аср ўрталарида ва XVIII аср бошларида мусиқий театрлар ташкил этиш учун илк ҳаракатлар бўлди. Пётр даврида Кунст бошчилигидаги 7 кишидан иборат актёрлар груҳи таклиф қилинди ва илк бор ария, ариозолар киритилган томошалар намоиш этила бошланди.

1735 йилда Россияга Ф.Арайя бошчилигидаги итальян опера труппаси доимий фаолият учун таклиф этилди. Итальян операси рус заминида илдиз ота бошлади. Бу даврда Россияда опера янгилик бўлса, Италияда ярим аср мабойнида ижро этилиб келмоқда эди.

Опера янги жанр сифатида уйғониш даври таъсирида дунёга келди. Ўша даврга ҳос полифоник услуб куйловчига ҳиссиётларни билдиришга имконият бермас эди. Сўз кўп овозли мусиқа сайқали ичида йўқолиб, маъносиз бўлиб қолар эди. Илғор мусиқачилар гуруҳи ўз ижодларига гомофон услубни қайтариб мусиқа сўзга асосланиши кераклигини кўрсатдилар. Бу изланишлар заминида янги мусиқий гомофон шакилдаги жўрли опера, кантата, якка овозлар учун асарлар яратилди. Россияга итальян операси кириб келаётган вақтда итальян белькантоси - юқори хонандалик маҳорати иккинчи даврни ўз бошидан ўтказётган эди. Бу бетакрор кастрат-хонандаларининг, ўзига ҳос куйлашнинг юқори чўққисини эгаллаган усталарининг сахнадаги ҳокимлиги даври эди.

Италия хонандалик санъатининг улкан ривожига бошқа давлатларнинг мусиқий ва кўшиқчилик санъати ривожига ўз таъсирини кўрсатмай қолмас эди. Ғарб дурдонаси – **опера** Россияга кириб келган даврда жуда қийинчилик билан сарой аҳли томонидан қабул қилина бошлади. Жиддий опера зерикарли туйилар, маҳорат билан ижро этилаётган куйлаш одатий эмасдек эди. Кўпроқ хор мусиқасига аҳамият берилар эди. Бу ажабланарли ҳолат эмас, чунки Италия операси пайдо бўлиш давригача хор санъати юқори ривож топганди, Европанинг ҳеч қайси давлатида хор асарлари бу тарика кўп бўлган эмас эди.

Бастакор Арайя Россияда 25 йил фаолият кўрсатди. Елизавета Петровна даврида операга боришга одамлар мажбур этиларди, Екатерина даврига келиб операга бориш севимли маданий хордиққа айланди. Мусиқа ва куйлашни ўрганиш тарбиянинг муҳим бўлаги сифатида қабул қилинди. Маҳаллий хонанда ва мусиқачиларни тайёрлашни тақазо этувчи шох фармонлари чиқарилди, “Глухов кўшиқчилик мактаби” ташкил этилди, бу ерда диний кўшиқчилик санъати ўрганилиши билан биргаликда, дунёвий кўшиқчилик ҳам ўрганила бошланди.

Рус бастакорларининг дастлабки асарлари қарама - қарши фикрлар даврида яратилди. Сарой аҳли янги санъатни ривожига тўсқинлик қилардилар. Рус маданияти арбоблари янги опера яратилишига беҳисоб ҳисса қўшдилар. Янги санъат миллий демократик, айрим ҳолларда эса крепостной тизимига қарши эди. Операларнинг бундай тавсифланиши, уларни яратган авторларнинг собиқ крепостной ёки паст табақадан чиққан инсонлар эканлигидандир. Булар : Е.Фомин, М.Соколовский, М.Матинский, Д.Кашин ва бошқалар.

Рус опера хонандалари ўзига хос тарзда эдилар. Аммо лекин Италия кўшиқлик мактабининг рус кўшиқчиларига таъсири шубҳасиз катта эди. Бунинг оқибатида XVIII асрнинг 30-йилларига келиб Италиян вокал мусиқаси ижрочилари ҳар йили Россияга ижодий сафар қила бошладилар, рус хонандалари мукаммал нафасга таянган ҳолда овозда чўзиқ оҳанг ҳосил қилиш, калоратура овози ва бошқа техник усуллар билан ишлашни ўргандилар.

Россияда миллий опера яратган бастакорлар - хонандаликдан дарс берувчи биринчи ўқитувчилар бўлганлар. Евстигней Фомин «Ямшики на подставе» миллий операси авторидир. М.Степанова, И.Самойлова О.Петроваларни опера сахнасига тайёрлаган Иван Алексеевич Рутин энг яхши ўқитувчилардан бўлган.

Бастакор Бортнянский сарой қошидаги куйлаш капелласида катта педагогик фаолият кўрсатган. Унинг асарларидаги босиқ куйчан оҳанг, юқори ноталарнинг йўқлиги, овоз ҳасил қилишдаги қулай тесситура овознинг ривож топишига ёрдам берган. Бу хонандалик санъати ривожига катта аҳамият қозонган.

XVIII аср охирида Россия хонандалик педагогикаси ташкил топишига, бастакор, дирижёр ва хонандалик ўқитувчиси Катерино Кавасо катта ҳисса қўшди. У нафақат ижрочиларни, балки мутахассислик ўқитувчиларини ҳам тарбиялади. Булар: Ковалёва, Шелехов, Турик ва бошқалар. Рус хонандалик мактабининг пойдевори ўрнатилишида рус хонандаларининг артистик фаолияти ҳам ўрин эгаллайди.

Ўзининг аъло даражадаги қобилияти, техник жихати ва маъноли ижроси билан тингловчиларни лол қолдира олган актёрлар А.Михайлова, Н.Семёнова, А.Крутитская, Я.Воробёва, Н.Злов, Н.Лавров ва бошқаларни санаб ўтиш мумкин.

Рус хонандаларининг ижрочилик услубини шаклланиши ва бастакорларнинг дастурларини тарғиб этилиши тилга олинган XVIII аср II-чорагида Москва катта театри раҳбари А.Верстовскийни эсламай бўлмайди. Верстовский образнинг яратилишида-оддий, кенг ва мазмунли куй - энг асосий омил деб ҳисоблайди. Верстовский опералари рус хонандалик услубини шакллантирди, хонандаларни миллий руҳда тарбиялади.

Рус хонандаларининг ижрочилик услубининг шаклланишига улар томонидан Француз опера дастурини ижро этганликлари ҳам таъсир кўрсатди. XVIII аср ўртасида Россияга француз труппаси таклиф этилди.

Хонандалик санъатининг ривожига романслар ҳам катта ўрин эгаллайди. Г.Теплов ва Ф.Дубянский – биринчи рус романсини басталаганлар. Рус бастакорларининг, камер хонандалик йўналишида ижод этган йирик намоёнчаси, О.Козловскийдир.

«Делитант» - деб аталган бир гуруҳ истеъдодли бастакорларни ижодий фаоллиги даври XIX аср бошларига тўғри келади. Титов шу гуруҳ вакилидир. Рус романси усталари А.Алябьев, А.Варламов, А.Гурилёв, Н.Булаковларни халқ кўшиқлари ва шаҳар романслари таъсирида ёзган асарлари ўзининг соддалиги, юракка яқинлиги билан ижрочиларни ўзига ром эта олган.

Шундай қилиб хонандалик санъати ўзининг 100 йиллик, Италиян операси кириб келган даврдан, биринчи рус классик операси «Иван Сусанин» яратилгунга қадар, даврида жуда қийин ва ўта зарур босқични босиб ўтди. Рус хонандалари италиян ва француз мактабларининг техникаси, маданиятини ўрганган ҳолда миллий ижрочиликка содиқ қолдилар. Рус миллий кўшиқчилик мактабининг асосий хусусиятларини тавсифлаб берувчи омилларни унинг гуллаган даври, XIX аср охирларида ижод қилган хонандалар асарларида яққол кўришимиз мумкин.

Бу хусусиятларни умумлаштирамиз:

1. Италиян бастакорларининг ўта мураккаб асарларини ижро эта олиш даражасидаги юқори хонандалик мавқеи.
2. Шу билан биргаликда рус хонандаларининг ўзига хос жўшқинлик, чуқур маъно, ижродаги соддалик ва самиймилиқни сақлаб қолиши.
3. Сахнада инсонлар образини яратишга ҳаракат қилиш ҳам драматик, ҳам хонандалик санъатини ўзида мужассам этиш.
4. Сўзларга ўта эҳтиёткорона муносабат, талаффузнинг муסיқий муаммоси, сўзнинг кўшиқдаги равонлиги.

Саволлар:

1. Рус классик мактабининг асосчиси ким?
2. Биринчи рус операси қандай номланади, муаллифи ва яратлган йили?
3. Опера, вокал манъатининг янги жанри сифатида.
4. Россияда илк вокал ўқитувчилар номини айтинг.
5. Биринчи рус романслари муаллифлари номини айтинг.

Адабиётлар:


1. Л. Б. Дмитриев. Русская школа пения и вокальное искусство «Основы вокальной методики». М., Музыка, 1963
2. В. Багадуров. Глинка как певец и вокальный педагог. «М. И. Глинка». М., Музгиз, 1950
3. М. Львов. Из истории вокального искусства. М., «Музыка», 1964
4. И. Галущенко. «История вокального и хорового исполнительства в Узбекистане».
5. В. Багадуров «Очерки по истории вокальной педагогики».

2-мавзу. Овоз аппарати акустикаси ва овозни акустик тузилиши.

Муסיқа садолари оламида инсон овозига жуда катта ўрин берилган. Овоз биринчи муסיқа созидир, у орқали инсон ўз хиссиетларини билдира бошлади. Инсон овоз аппарати орқали чиқаётган барча товушлар-**овоз** дейилади. **Овоз**-сўзлашувчи, куйловчи, унсиз бўлади. Инсон қичқариши, энтикиши, турли товушларни ўхшатиши мумкин. Товуш қайси турда бўлмасин инсон овозими еки муסיқа сози товушими уни ўрганиш мумкин. Товуш ҳаракати, уни акустика фани ўрганади: Акустика фанида товуш тебраниш натижаси деб тушинилади.


Инсон ҳаво муҳитида гапиради ва куйлайди, **шўнинг учўн овоз товуши-бу ҳаво бўлакларини тебраниши ўнинг тўлқинсимон кўчайиши ва пасайишидир.** Муסיқа созларида тўлқинлар, овоз ҳосил қилувчи вазифасини бирор бир жисм: симлар, қисилган лаб бажаради. Одам гапираётганда ўнинг овози ҳаво йўналиши бўйлаб ташқарига чиқибгина қолмай, ички аъзоларда, **ҳам бош ва кўкракда** тебраниш ҳосил қилиб тарқалади.

Одам овозининг манбаи **бу-овоз пардаларидир** уларнинг ҳаракати натижасида, тебраниш ҳосил бўлади ва овоз янграйди. Хиққилдоқда ҳосил бўлган тўлқилар ҳар томонга тарқалади: хиққилдоқни атрофидаги терига, ҳаво йўли бўйича тепага ва пастга. Шўндай қилиб товуш қисман ташқарига чиқади.



1-расм. Хиққилдоқда ҳосил бўлган товушнинг тарқалиши. Қора чизикчалари билан ҳаво йўлларида тарқаладиган ва тингловчининг қулоғига етадиган тўлқинлар кўрсатилган.

Айтиб ўтганимиздек тўлқинлар кучайиб ва кучсизланиб (мустахкам муҳитда) тарқалади. Ичкаридан чиқаётган ҳаво тўлқини, ташқи ҳавога қўшилиб кетмайди, балки тебраниб қолаверади. Сувда сузаётган қоғозни тўлқин кўтариб, пастлаши мумкин, лекин у тўлқин билан сузиб кетмайди, фақат тебранади. Фақат кучли шамолгина уни атрофга тарқатиб юбориши мумкин. **Шундай қилиб ҳаво товуш тўлқинларининг ўтказгичи вазифасини бажаради ва товуш унинг йўналишидан мустақил ҳаракат қилади.**



2-расм. Сув устида ҳосил бўладиган тўлқинларнинг график чизмаси. Иккита қўшни тўлқин орасидаги узунлик-тўлқин узунлиги. Тўлқиннинг ўртача ҳолатига нисбатан кўтарилиб тушиши-унинг амплитудаси.


Товушлар-маълум бир баландликга эга тонли товушлар, аниқланмайдиган товушлар - шовқинларга бўлинади. Барча мусиқий товушлар аниқ баландликка эга. Тонли товушлар - табраниш воситаси узлуксиз маълум частотада тебранганда, ҳосил бўлади. Тебранишнинг бу кетма-кетлиги қулоқда товушнинг баландлиги ҳиссини уйғотади.

Шовқинлар. Овоз аппаратида, созлашаётганда ва куйлаётганда ҳам тонли, ҳам шовқинли товушлар ҳосил бўлади. Барча унли харфлар тонли хусусиятга эга, ундош харфлар эса шовқинли. Фикримизнинг далили сифатида С, П, Ч, Ш, харфлари талаффузига қулоқ солсак. Мусиқада тонли товушлар ҳоким, куйлаш унли харфлар ёрдамида амалга оширилади. **Барча мусиқий товушлар ўз баландлиги, кучи ва тембрига эга.**

Куйловчининг овозини мусиқачилар, хонандалар, хонандалик ўқитувчилар нафақат унинг баландлигига, унинг кучи ва тембрига қараб, балки унинг тури, **сифатларига** (таққослаш йўли билан) қараб ажратадилар. Масалан: таралувчан овоз, ёки унинг тескарисини - тўғри овоз, ясси ёки ёйилган овоз, юмшоқ ёки қаттиқ, ўткир кесувчан, ёки бахмал, кўкрак ёки бошда, тарқоқ ёки йиғинчоқ, кучли ёки кучсиз сифатлар. Бироқ бу

сифатлар акустика нуқтаи назаридан овоз ва товушнинг вақт давомида ўзгаришидир, яъни тебраниш частотаси, унинг амплитудаси ва товушнинг таркиби, унинг спектори. Буларни биз баландлик кучи ва тембр сифатида қабул қиламиз.

Товуш баландлиги - тебраниш ҳаракати частотасини субъектив ҳис этишдир. Товуш баландлигининг у ёки бу сифати, овоз аппаратининг фақат бир жойида - яъни томоқ йўлида - овоз пайчаларида ҳосил бўлади. Овоз пардаларининг тебраниш давомида қанча торайиши ва кенгайишига қараб, унинг остидан ўтаётган ҳаво овоз частотасининг туғилишига олиб келади, яъни овоз баландлигига, бошқа ҳеч қандай ҳаракат бу жараённинг ўзгаришига сабаб бўла олмайди.



3-расм. Турли частотадаги товушлар бир хил тезликда тарқатилади. Баланд товушлар тезроқ тебранади, пастлари эса – секинроқ.


Амплитуда - товуш тебранишининг тезлиги, яъни товуш баландлиги-овоз пардаларининг тортилиш (тарангланиш) даражаси билан боғлиқ: тебраниш қанча тез бўлса товуш шунча юқори пардаларга кўтарилади. **Товуш кучи** - бу биз томонимиздан тебраниш ҳаракатини субъектив ҳосил қилишимиз ва тебранишнинг амплитудасидир.

Амплитуда - тебраниш ҳаракатининг кучи, унинг частотасига боғлиқ эмас. Агар фортепиано торларидан бири секин болғача билан урсак, кейин қаттиқроқ урсак, товуш баландлиги ўзгармайди, фақат вибрация кучи, яъни

силкиниш кучи ўзгаради, бу вақт сим(тор) силкиниб атрофдаги ҳавони сиқади. Тебраниш ҳаракати кучи кўпроқ бўлса, биз учун товуш субъектив бўлади.

Хонанданинг овози кучи ва баландлиги - пастки овоз пайлари, бронх ва трохейанинг кенгайишига боғлиқ. Овоз пардасидан қанча кучли босим ўтса тебраниш амплитудаси шунча кучли бўлади ва у қулоқ пардасига кучли таъсир кўрсатади ва қаттиқ эшитилади.

Хонанда овозининг мураккаб сифатларидан бири - овоз тембридир. Мушиқа тонлари-турли частота ва кучдаги тебранишлардан иборат. Мураккаб товушда асосийси - тондир. Товуш баландлигини - жуда майда тонлар, ёки обертонларни аниқлашда ёрдам беради, уларнинг кучи ўзига хос тембр ҳосил қилади.



4-расм. Таранг торнинг тебраниши. Яхлит тебраниши А-В асосий тонни ҳосил қилади: А-с, с-В – асосий тондан октава ҳосил бўлиши (тебраниши 2 баробар тез), А-а, а-в, в-В – асосий тондан квинта ҳосил бўлиши (тебраниш 3 баробар тез).

Аввал айтиб ўтилгандек товуш тебраниш манбаидир, мушиқий асбобларда, бирор бир жисмлар “манъба” бўлиши мумкин: симлар, тилчалар «лаб». Товуш ҳосил қилувчи жисмлар тебраниётганда, улар фақатгина бўйига эмас, балки барча томонларга тебраниши мумкин. Ўз частотасига эга бўлган тебранаётган қисм ҳавони ҳар томонга итариб сиқади ва шу билан обертонлар ҳосил бўлади, масалан: тебранаётган тор бутун узунлиги бўйлаб ҳаракатланади.

Лекин кузатувлар шуни кўрсатадики, тор ички томонга қисимлар ярим 3,4 чи қисмлар билан тебраниши мумкин. Бу тебранишларнинг частотаси 2, 3, 4 марта кўп бўлиши мумкин бутун узунлиги бўйлаб тебрангандан. Торнинг қисман бундай тебраниши ҳаво орқали тарқалиб, унга ўзига хос тембр бағишлайди.

Акустикада резонатор деб бирор бир ёпиқ муҳит жойлашган ҳаво оқимиға айтилади ва у чиқиб кетадиган жойға эға бўлиши керак. Резонатор деб номланишининг сабаби, агар бу ҳаволи муҳитда тебраниш ҳосил қилсак, резонатор аниқ бир баландликка эға товуш чиқариб беради. Резонаторда ҳосил бўлган товуш баландлиги - ҳавонинг ҳажми, резонатор формаси, ҳаво чиқиб кетадиган жойнинг ката - кичиклигига боғлиқдир. Бундай тоннинг шахсий тони, резонатор тони деб аталади. Акустика нуқтаи назардан, стакан, шиширилган шар, трубка, шиша идиш резонатор бўлиши мумкин. Резонатор қанчалик кичик ўлчамда бўлса, шу билан бирға ҳавонинг ҳажми ҳам кам бўлса, резонаторда ҳосил бўлган тон шунча баланд бўлади ва бу унинг шахсий тони деб аталади. Ҳаво чиқарадиган тешик қанча кичик бўлса унинг шахсий тони шунча паст бўлади. Бунинг замирида турғун тўлқин ҳосил бўлади, қайсики - резонатор ичида унинг тубидан, то чекасигача ва орқаға қараб ҳаракатланади. Ҳавода тўлқиннинг тарқалиши тезлиги доимий экан, шу вақтнинг ўзида кам ҳавода ҳам тўлқин беҳисоб тебраниш ҳосил қила олади, яъни шахсий тони юқори частотаға эға бўлади. Аксинча ҳаво кўп бўлса-кам, паст частотали бўлади. Демак резонаторнинг шахсий тони кам ҳажмли бўлса - юқори кичик ҳажмлиси - пастдир. Масалан Органни олсак: паст овозлар бир неча метрли узун трубаларда ҳосил бўлса, юқори товушлар 1-2 смлик трубаларда ҳосил бўлади.

Резонанс тушунчаси резонаторда худди трубалардаги каби ҳосил бўлади. Симлардаги резонанс каби резонатор куч қўшмайди, фақат аккумуляция қилади. Резонаторларда ташқи муҳитға чиқгачгина товуш тингловчига қаттиқроқ эшитилади.

Инсон овоз аппаратида жуда кўп жой ва трубкалар борки, уларда резонанс ривожланиши мумкин. Трахея ва бронх, танғлай, ютқин, оғиз бўшлиғи, бурун ва улар атрофидаги кичик-кичик қўшимча тешикчалар жуда бир мустаҳкам деворларға эғаки уларда резонанс ҳосил бўлиши мумкин.

Овоз аппарати акустика нуқтаи назаридан ўзига хос рупордир, қайсики тебраниш манбаалари (овоз йўли) устида резонаторловчи жойлар (танғлай ютқин, оғиз) жойлашган, булар овознинг (оғиз тешиги орқали) ташқарига чиқишиға йўл очиб беради. Резонаторловчи жойларда овознинг характерли кучайишини - формантани кузатамиз, бу товушнинг қандай бўлишини белгилайди. Овоз тўғри қўйилган холдагина паст ёки баланд формантани доим кузатишимиз мумкин, шу билан бир қаторда доимий вибратонинг маълум частотасини кузатамизки, унга, куйловчи овозининг тембри қандай бўлиши боғлиқ.

Куйловчининг товуши унлилар фармантасига ҳам боғлиқ, улар бир биридан фарқ қилади.

Саволлар:

1. Акустика нима ва акустикада товуш тушунчаси?
2. Муסיқий ва шовқинли товушлар?
3. Товуш баландлиги, товуш кучи ва тембр нима?
4. Акустикада резонатор остида дейилганда нима тушунилади?
5. Акустика назарида овоз аппарати нима деб тушунилади?

Адабиётлар:

1. С. Аллон, Н. Максимов. Музыкальная акустика. М., Высшая школа, 1971
2. С. Г. Корсунский. Акустические исследования вибрато в певческом голосе. В сб.: «Проблемы физиологической акустике» т.I. М., Музгиз, 1949
3. Л. Б. Дмитриев. Голосовой и грудной резонаторы голосового аппарата. «Основы вокальной методики». М., «Музыка», 1963
4. Г. Фант. Акустическая теория голосообразования. М., Наука, 1964

3-мавзу. Куйлаш педагогикаси ва услубиёти ҳақида.

Ҳар доим ижролар давомида ҳиссий безаклар билан тўлдирилган ҳаракатларни кўришимиз мумкин.

Товушлар, образлар ижрочига ижро усули ҳақида йўл кўрсатса, техник томони уларни ижрога тадбиқ этишга ёрдам беради, шунинг билан куйлаш техникаси муסיқий ижронинг қандай бўлишини аниқлаб беради. **Муסיқани ҳис қила олиш туйғуси, куйлаш техникаси билан бир вақтда ривожланиши керак.** Техника муסיқий материал асосида қурилмоғи керак, қайсики шогирдларга тушинарли бўлиши лозим. Ўқитувчининг вазифаси: ўқувчида муסיқани ҳис этишини ва артистлик маҳоратини ривожлантириш, муסיқий тилга тушунишга ўргатиш, уларнинг ижодий фантазиясини уйғотиш. Муסיқий ҳис, муסיқий фикрлаш, ижодий фантазияни ривожлантиришда ўқувчи учун керакли услубни танлаш, ўқувчининг ижрочилик фикрини кўрсата олиши учун ўқитувчи керакли йўлни топиши керак.

Вокал ўқитувчиси тарбиясига тез-тез болаликдан муסיқий муҳитда бўлмаган, шунинг учун муסיқий ҳисси ривожланмаган ўқувчилар келади.

Муסיқий ҳисни барча ёшларда ривожлантириш мумкин. Истеъдодни маълум шароитда ўстириш мумкин. Инсон нерв системаси атроф муҳит талабига кўра доимий ўсиш ва ўзгарувчанликда. Муסיқани ҳис эта олишнинг, яъни муסיқий тилни тушинишнинг, унинг маъносини идрок этишнинг - агар бу вазифага тўғри ёндошса барча инсонлар учун у ёки бу даражада имкони бор. Товуш баландлигини ҳис этиш, ритм ҳисси, ладлар ҳисси, гармоник эшитиш ва бошқа муסיқий элементларни ҳис этишни ривожлантириш мумкин.

Жонли ижро вақтида муסיқий тил орқали борлиқни, унинг маъносини тушинишни ўрганиш мумкин.

Ўқувчини муסיқанинг маъносини очишга ўргатиш ўқитувчининг асосий вазифаларидан, бу процессни у муסיқий техникани ўзлаштириши билан бир вақтда олиб бориши шарт.

Муסיқа инсон учун истироблар, ҳиссиётлар ва образлар ҳақида сўзловчи тил бўла олиши керак. Бу ўринда репертуарни тўғри танлаш лозим. Репертуарни танлашда аввал осон тушиниладиган, кейинроқ, секин аста қийинроқ асарларни танлаш мақсадга мувоффиқ.

Хонандани тарбиялашда **икки вазифани ҳал этмоқ лозим**, булар: ижро аппаратини қурмоқ, яъни профессионал куйловчи овозни хонанданинг «созини» ва унда ижро этмоқ, булар бир бири билан чамбарчас боғлиқдир. Айнан шу нарса хонанданинг муסיқий тарбиясида муҳим ва мушкул томондирки, муסיқий созларда ижро этувчиларни тарбиялашдан тубдан фарқ қилади. Шунинг учун бу этапда ўқитувчи хонанданинг созини яратади, - яъни «овозни тарбиялаш» вазифасини бажаради.

Тарбиянинг бошида овозни тўғри ҳосил қилишнинг элементар билимлари учун ишлатиладиган машқлар берилади ва ҳатто шу маъносиз (текстсиз) машқларни ҳам муסיқий ҳис билан ижро этишга аҳамият берилади. Ҳар бир ҳатто энг оддий билимлар ҳам элементар ижрочилик вазифалари билан боғлиқ

бўлиши лозим. Мусиқий машқларни оддий ноталар кетма-кетлиги шаклида куйлаш мумкин, ёки аксинча ривожланган мусиқий фикр сифатида куйлаш ҳам мумкин.

Вокализларни ижро этаётганда ҳам, асар ижроси вақтида ҳам, мусиқий образ биринчи ўринда бўлмоғи лозим. **Шундай қилиб хонанданинг вокал техникаси биринчи машқлардан то мукаммал ижрога қадар мусиқий тасаввур билан боғлиқликда бўлиши керак.**

Қуйидаги 3 этап мусиқий билимни ўзлаштиришда энг муҳимларидандир. Овоз аппарати устида ишлашнинг тўғри йўлини танлаш, иккинчиси шу йўлни мустаҳкамлаш жараёнини аниқлаш, учинчисини ривожлантириб, сақлаш. Бу уч этапни доим ёдда тутиш ўқитувчидан талаб этилади, куйлаш билимининг кўпқиррали томонларини ўзлаштириш, асарга ижодкорона ёндошишга ва ижро эркинлигига эришишга ёрдам беради.

Саволлар:

- 1.Қўшиқчи тарбиясида қандай икки масала бир вақтнинг ўзида ечимини талаб этади?
- 2.Қўшиқчилик малакаларини шакллантиришда қайси уч босқични шартли равишда ажратиб кўрсатиш мумкин?
- 3.Мусиқий материалнинг чуқур эмоционал хис қилиш асосида онгли муносабатни тарбиялашнинг роли қандай?

Адабиётлар:

1. Л. Б. Дмитриев. Учение академика И. П. Павлова и его значение для вокальной педагогики. «Основы вокальной методики». М., «Музыка», 1963
2. О. И. Егоров. Значение художественного произведения для воспитания голоса певца. «Сборник статей по музыкальному образованию». Свердловск, 1961

4-мавзу **Хонанданинг эшитиш қобилиятини тарбиялаш ва ривожлантириш.**

Агар биз тилдаги барча фикрларни ҳиссий органларни ривожлантиришга йўналтириб, керакли томонларни ажратиб қолдирсак, мақсадга эриша оламиз. Вокал функцияларини бошқарувчи ҳиссий туйғуларни ривожлантириш - куйловчи тарбиялашнинг энг асосий вазифасидир. Овоз ҳосил қилишни бошқарувчи функциясини бажарувчи ҳиссий органларни айтиб ўтамиз.

Вокал ва сўзлаш функцияларини бошқарувчи вазифасини бажарувчи **эшитиш қобилиятини** биринчи бўлиб эслаймиз. Овоз аппарати ва кулоқ, бу информацияни товуш орқали қабул қилишга хизмат қилувчи ажралмас системадир. Эшитиш - бу мияга атроф муҳитда рўй бераётган товушли ходисаларни етказиб берувчи асосий ҳиссий органдир.

Овоз аппарати фақат эшитиш ҳисси орқали мияга етиб борган ва мияда эшитиш орқали пайдо бўлган таъсуротларни овоз орқали етказди.

Эшитиш қобилиятини систематик машғулотлар эвазига ривожлантириш мумкин. Масалан, ҳар кунги сўзлашиш ҳисси сўзнинг маъно жихатдан тубдан фарқлай олишга олиб келади. Биз хатто маъноси жуда кўпол бузиб гапирилган сўзни ҳам фарқлай оламиз. Биз она тилимизни майда бузилишларини ҳам ҳис қила оламиз. Масалан шеваларни: шевалардаги фарқ жуда оз бўлса ҳам биз уларни жуда аниқ эшитишимиз мумкин. Эшитиш қобилияти овознинг сифатини, интонациясини аниқ дифференция қилишга ўргатилган, булар ҳам информация етказувчилар вазифасини бажариши мумкин.

Вокал билимларини ривожлантириш, ижрочилик ва техника ҳақида гапирганимизда эшитиш таассуротининг аҳамияти ҳақида айтиб ўтган эдик. Бу ўринда хонанда тарбиясида ўрнатилган бўла оладиган юкори малакали ижрочиларни тинглаш зарурдир. Аввал эшитиш қобилияти энг сезиларли ҳатоларни ажрата олса, бора-бора малака ошган сари майда ҳатоларни ҳам англаш имконига эга бўлади. Бу ўринда таниқли Италиян устозларидан «Буюк болон мактаби» намоёнчаси Тозининг: «бошқалар ҳатосида ўрганинг-бу буюк мактаб, қайсики жуда кўп нарсаларни ўргатади. Ҳаммадан ўрганиш мумкин. Лекин кўпроқ ёмон хонанда яхши ўқитувчи бўлиши мумкин»-дея билдирган фикрини эслаш керак. Шу мақсадда ўқувчилар, вокал дарсини олаётган ўқитувчи синфида кўпроқ вақт ўтказиб, бошқа ўқувчиларни тинглашлари, уларнинг овозлари сифати яхши ва ёмон томонларини анализ қилишлари керак деб ҳисоблаймиз. **Ўқувчи учун ўқитувчининг у ёки бу талабанинг эшитиш қобилиятини таҳлил этишини тинглаши ҳам фойдали.**

Хонанда эшитиш қобилияти орқали интонация тозалиги ва тембр назоратига эришиш борасида айрим қийинчиликка учрайди. Одатда актив ва пасив эшитиш қобилиятини бир-биридан фарқлай олиш мақсадга мувофиқ.

Пассив эшитиш - бу тўғри эшита олиш.

Актив эса - овоз орқали эшитганлигини кўрсата билиш. Агар пасив эшитиш қобилияти эшитиш анализатори билан дифференцияни ривожлантириш десак, актив эшитиш қобилияти овоз аппаратини бошқариб,

керакли баландликдаги товушни ҳосил қилишдир. Одатда хонанда ички эшитиш тассавури нотўғри бўлганда тоза куйлай олмайди. Керакли куйни фортепианода ижро этиб беришни ёки куйлаб беришни сўраш, унинг буни уддалай олмаслигини тушиниш учун етарли бўлади. Кўп холларда куйни эслаб қолишгина уни куйлаб бериш учун етарли эмас. Товушнинг нотозалиги унинг баландлиги аниқ бўлмаганлигидан эмас, тембрни нотўғри ҳосил қилишликда - яъни позицияни тоза эмаслигида.

Куйловчи ўз овозини атрофдагилар ва тингловчилардек эшита олмайди. Бу хонанданинг ўзини нафақат ҳаво муҳитида, балки ички органлари орқали, яъни суяклар орқали эшитиш натижасидир. Ўз тембрини аниқ мўлжаллай олмаслик, қўшиқчига эшитиш орқали аниқ интонациялашга йўл бермайди. У эшитиш орқали асосий тоннинг баландлигини тўғирлашга ҳаракат қилади, лекин позиция нотўғрилиги туфайли бунга эриша олмайди. Эшитиш қобилияти жуда яхши қўшиқчилар ҳам, аниқ интонациялай олмайдилар, товушни позицион гоҳ юқори, гоҳ пастлайдилар. Улар интонация тоза эмаслигини нафақат эшитиш йўли билан, ҳатто овоз пайлари резонаторлари, вибрацияларни ҳам сезадилар.

Хонанданинг ўз овозини эшитиш тассавури нафақат тембрга, балки овоз кучига ҳам боғлиқ. Маълумки хонандага унинг овози баланд ва тўлиқ чиқаётгандек туюлганда атрофдагилар учун жуда кучсиз туюлади. Бежиз айтмайдилар: «хонанда ўзини ўзи эшитмаяпти ва овози ўзининг ичида қолиб кетаяпти»-деб. Аксинча унга овози кучсиз чиқаётгандек туюлганда, товуш эшитилиб тингловчи яхши қабул қилади.

Эшитиш қобилиятининг бундай хусусиятига кўра, ўқитувчи. ўқувчи учун, ойна вазифасини бажариши керак, яъни доим овозни кузатиши керак, токи ўқувчи ўзининг эшитиш ва ички ҳисси билан товушининг атрофдагилар учун тўғри бўлишини тушуна олсин.

Эшитиш ҳисси ҳақида гапирганда унинг алдоқчилиги, балки доимий эмаслигини эсга олиш лозим. Чунки куйланаётган жой назарда тутилганда, акустик муҳит ҳам роль ўйнайди. Барча куйловчиларга жуда кичик ёки жуда катта жойда куйлаш қийинлиги маълум. Масалан: юмшоқ мебел ва катта пардалар билан жиҳозланган хонада ўзимизни ўзимиз жуда ёмон эштамиз ва уни тескарис, бўш хонада овозимиз шовқин ҳосил қилиб, товуш тўғри бўлишига халақит беради. Бу вақт куйлаётганда пайдо бўладиган ички ҳис ёрдам беради, чунки улар доимийдир.

Овоз ҳосил қилишни назорат қилишда эшитиш қобилиятига пайларнинг ҳисси ёрдам беради. Пайлар ҳисси эвазига овоз ҳосил қилишни назорат этишда катта ютуқларга эришиш мумкин. Эшитиш пайлар ҳисси ва бошқа сезгилар овоз ҳосил қилишни назорат қилишда бир-бири билан рефлектор боғланади.

Шу боғлиқлик куйловчининг вокал эшитиш қобилияти асосидир. Улар нафақат овозни эшитишга балки, куйлаш давомида овоз аппарати ишини ҳис этишга ёрдам беради. Куйлашда эшитиш эвазига қўшиқчининг технологиясини тушиниш мумкин. Хонандани эшитиш давомида ўқитувчи автоматик равишда унинг технологиясини аниқлайди, бу уни тўғри ривожлантиришга ёрдам беради. Вибрацион ҳис тембр сифатини йўналтиришга ёрдам беради. Кўриш

ҳисси овоз апаратининг кўринадиган қисмларини назорат қилишда қўл келади. Баъзи хонандалар аэродинамик ҳолатларни ҳис қиладилар, бу ҳолат куйлаш давомида овоз апаратида рўй беради. Ҳар бир қўшиқчида ҳис этиш турлари ҳар хил ривожланган, куйлаётганда ички ҳисни сезиш ҳам бир хил эмас.

Ҳеч қандай иш бирданига, бор куч билан амалга оширилмайди. Унга тўлиқ киришиш, унинг устида ишлаш талаб қилинади. Бу нерв процессининг эңерт ҳолатини еңгиш билан боғлиқ. **Овоз машқлари**-бу қўшиқчи учун куйлашга киришишдир. Унга бефарқ бўлмаслик керак. Қўшиқ куйлашга овоз машқларисиз киришиб бўлмайди. **Овоз машқлари икки қиррага эга: овозни қиздириш, яъни овоз машқи ва техникани ривожлантириш устида ишлаш.** Услубан уларни аралаштириб бўлмайди. Яхши ижро нерв системасини бир маромга созлаш ва овоз апаратини керакли овоз машқлари ёрдамида қиздиришни талаб қилади. Овоз машқлари куйланадиган қўшиқ йўналишида бўлиши керак.

Толиқиш-бу бажариб бўлинган ишдан кейинги процесс.

Аввал нерв системаси кейин овоз пайлари толикади. Толиқишдан ҳалос этувчи психологик, физиологик, медикаментоз факторлар мавжуд. Овозни чидамлилигини ошириш учун овоз апаратини ўртача қийинчиликда шуғуллантириш керак. Куйлаш қийинчиликларига чидамлилик овоз апаратининг тўғри фаолияти, марказий нерв системаси иши, овоз апаратининг тузилиши хусусиятларига боғлиқ, тез толиқишга олиб келади. Турли овоз машқлари, узоқ вақт куйлаш имкониятини яратади. Қийинчиликлар, овозини сиқиш ва бир маромда куйлаш - тез толиқишга олиб келиши мумкин. Шунинг учун вақтида дам олиш, тўғри режимга риоя қилиш, толиқишдан сақланиш даркор. Меҳнат ва хордиқни тўғри ташкиллаштириш, чидамлилиқни юзага келтиради.

Саволлар:

1. Вокал (хонандалик) ва сўзлашишда асосий воситаси сифатида эшитув қобилиятининг роли қандай?
2. Пассив ва актив эшитиш нима?
3. Товуш ҳосил қилишда эшитиш ҳисси нимани билдиради?
4. Хонанда овозини созлаш машқлари қандай ролни бажаради ва толиқиш нима?
5. Вокал эшитиш, унинг ривожланиши ва интонация, товуш чиройи, мусиқий жумлалар ва динамик тусларга таъсири?

Адабиётлар:

1. Л. Б. Дмитриев. Развитие ощущений и формирование вокального слуха певца. «Основы вокальной методики». М., «Музыка», 1963

2. В. Н. Морозов. Вокальный слух и голос. М., Музыка 1965
3. Н. К. Асреверзев. Проблемы музыкального интонирования. М., Музыка, 1968
4. Н. В. Гарбузов. Внутризонный интонационный слух и методы его развития. М., Музгиз, 1951

5-мавзу Индивидуал-психологик фарқнинг хонандалик педагогикасидаги ўрни.

Психология - инсон субъектив дунёси ҳақидаги фан.

Ҳар бир ўқувчи психологик жиҳатдан индивидуалдир, шунинг учун ҳар бирининг воқал санъатидаги муваффақиятлари турлидир. Ўқитувчи психолог бўлиши керак, ўқувчида хонандаларга хос ҳислатларни тарбиялаши лозим. Инсон ички дунёсини идрок этиш, эмоционал ва ирода шаклларига ажратиш одатдир. Идрок ҳис этишдан бошланади, - психологик процесснинг энг оддийсидан, бизнинг онгимизда ҳодиса ва нарсаларнинг ҳислатларини ёритади. Нарса ва ҳодисаларни ҳис этиш онгда бир бутун образ яратади. Информация қабул қилаётганимизда ақл ҳам иштирок этади, кераклигини ажратиб, бир-бири билан таққослайди, аввал кўргани билан солиштиради.

Фаолият давомида хонандаданинг касбий ҳис туйғулари ривожланади, хусусан - бу товуш ҳисси, таянч ҳисларидир. Ижодий фаолият даврида ўқитувчи ўқувчининг кузатувчанлигини ривожлантириши керак. Диққатни ошириш, онгга бошқа ҳеч қандай нарсага аҳамият беришликка йўл бермайди, қайсики фаолиятни муваффақиятли бўлишига гаровдир. Диққатни доим машқ қилдириш керак, шунда у доимо фикрни жамлай оладиган бўлади. Марказда фақат ижодий мақсадни қолдириб, хонанда ижро вақтида диққатини жуда кўп объектларга тақсимлаши керак. Кўшиқчилик фаолиятида эслаб қолиш қобилияти жуда зарурдир, чунки хонанда катта репертуарни, барча техник билимларни ва кўшиқчилик ҳиссиётини ёдда сақлаши керак. Эслаш қобилиятини доим ривожлантириб туриши керак, бунга доимо айрим информацияни эслаб қолиш, уни ёдда тутиш вақт давомида уни эслашга ёрдам беради. Эслаб қолинган материални логика нуқтаи назаридан бир-бири билан боғлаш ва қайтариш керак. Ўрганган материални ёдда сақлаб қолиш, уни тўғри ижро этишдир. Воқал педагогикаси каби артистик фаолият учун ҳам тасаввурга эга бўлиш зарур. Ижодиёт фантазия ривожига асосланган, хонанда фантазиялаш хусусиятини доим бойитиши, фараз этиш кучини ошириши лозим. Воқал ўқитувчиси ўқувчининг келажаги қандай бўлишини, унинг овози қандай тус олишини олдиндан кўра билиши керак. Ҳиссиёт бу инсоннинг борлиққа бўлган муносабатидир.

Муסיқа ҳиссиётни очиб берувчидир, шунинг учун уни ҳиссиётлар тили деб атайдилар. Ўзимизда яхши эмоцияларни уйғота билишимиз лозим-улар фаолиятни яхшилайдилар. Дарсни шундай олиб бориш керакки, ўқувчида яхши эмоциялар пайдо бўлсин. Ўқувчида дарс давомида ёмон эмоциялар пайдо бўлса, у дарсга келишни хохламай қолади. Ўқувчининг эмоционал ҳолати ҳар хил бўлади, буни ўқитувчи доим эсда сақлаши лозим. Ижро доим эмоционал жилолар билан бой бўлиши керак, шунинг учун эмоционал суст ўқувчиларда уни ривожлантириш лозим. Ҳар бир хонанда эслаб қолиш қобилиятини эмоцияга таяниб ривожлантириши керак. Лекин ижро давомида инсон - ижодий эмоция билан ўз эмоциясини аралаштириши мумкин эмас. Эмоция

албатта бадий формада намойиш этилмоғи керак. Ҳис туйғулар бойлиги инсон ички дунёси тўлиқ бўлишини таъминлайди.

Кайфият - эмоция кучининг катта ва кичиклигини тавсифлайдиган эмоционал ҳолатдир. Инсон ўз кайфиятининг ҳокими бўлмоғи керак, унинг қулига айланиши керак эмас. Ўзига хос характерни билмоқлик ва шу асосида ҳаётни қурмоқлик, кайфиятнинг доим кўтаринки бўлишини таъминлайди.

Ирода-ўз олдига қўйилган мақсад сари интилиб, эришишга муваффақ бўлишлиқдир ва бу доим ҳар ишда омад бағишлайди. Иродали инсон ўз мақсади йўлида барча тўсиқларни енга олади. Мақсадга эришиш учун эса одам нимани ҳохлаётганини яхши билиши ва бу хоҳиш ҳаёт талаби бўлмоғи керак.

Куйлашни ўрганаётганда, хонандалик фаолиятида кучли ирода керак. Иродасиз одам хонанда бўлишга уринмаса ҳам бўлади. Ўз мақсадидан чекинмасдан олдинга интилоқликни машқ қилиш, иродани кучли бўлишига олиб келади. Ҳар бир фаолият техникага эғаликни талаб қилади. Куйлаш техникасига эга бўлишлиқ диққатни бўлмайди ва фикрни ижодий мақсадга тўлиқ қаратади.

Ижодий фаолият техник жиҳат каби автоматик бўлмаслиги керак.

Ижод - бир-бирига ўхшашликни инкор этади, у янгиликларни талаб қилади. Артистликни пул топиш учун касбга айлантирган инсон тақлид қилади, яъни тайёр ижоддан фойдаланади, ижодкор инсон янги образлар яратишга интилади. Ижодий фаолият материал йиғиш - ижод учун тайёргарлик, катта меҳнат-илҳомланиш-(бу организмнинг актив ҳолати) ва бутунлай ижодга киришишликни талаб қилади. Инсоннинг дунёқараши қанча кенг бўлса ижод шунча унумли бўлади. Хонандалик педагогикасида ижодга ёндошиш, ҳар бир ўқувчининг ўзига ҳослигини назарда тутишни талаб қилинади.

Шахс - қизиқишлар, иқтидор ва истеъдод, темперамент ва характерлар мужассамлигидир. Бу ҳислатларнинг барчаси инсон униб ўсган муҳитнинг қандайлигига боғлиқ. Қўшиқ куйлашга ўта қизиқиш, у билан шуғилланишни хошлаш, тўсиқларни енгиб, муваффақият қозониш гаровидир. Хақиқий ўқитувчи учун ҳар бир овоз янги китобдай. У доимий изланишда ва қачон ўз мақсадига эришса, ўз ишидан кўнгли тўлади. Иқтидорли деб, биз ўз ишини осон ҳал қила оладиган инсонга айтамыз. Одамлар истеъдод билан туғилмайдилар, уларга иқтидорнинг зарралари берилган бўлади. Иқтидор фаолият давомида сайқалланиб, ривожланади. Шунинг учун иқтидорли инсон ўзини топиши учун у билан шуғулланиш керак. Иқтидорни болаликдан ривожлантириш мақсадга мувофиқдир. Лекин ўғил болаларда мутация ўтмагунча бунинг иложи йўқ. Иқтидорнинг барча сифатларига эга одамни биз-истеъдодли деймиз. Жуда кўп истеъдодли инсонлар ўзида яратувчилик ва файласофлик сифатларини жамлаган бўлади.

Темперамент - шахс ҳислатларининг асосийсидир. Хонанданинг ўзи ҳам, ўқитувчи ҳам ўқувчи темпераментининг ўзига хос томонларини доим назарда тутмоғи лозим ва фаолиятида темпераментдаги нуксонларни бартараф этиши керак.

Характер - бу шахснинг ўзига ҳослигидир. Унга ижодий фаолият ва билим олишнинг унуми тобедир. Ўқитувчи ва ўқувчи орасидаги муносабат уларнинг характериға боғлиқ. Характер тарбияға боғлиқ.

Саволлар:

1. Психология нима?
2. Ирода нима?
3. Темперамент нима?
4. Ҳиссиёт нима?
5. Характер нима?
6. Қўшиқ куйлаш жараёнида марказий асаб тизимининг роли қандай?

Адабиётлар:

1. Л. Б. Дмитриев. Психологические процессы. «Основы вокальной методики». М., «Музыка», 1963
2. П. И. Рудник. Психология. М., Учпедгиз, 1955

6-мавзу. Овоз апаратининг куйлаш вақтидаги иш фаолияти.

Гавдани тик тутиш.

Гавдани тик тутиш деганимизда аҳамиятни икки томонга қаратамиз: эстетик ва физиологик.

Хонанда биринчи навбатда гавдасини тингловчининг аҳамиятни чалғитмайдиган ҳолда, ўзига қулай ҳолатда тутмоғи, чолғу сози ёнида турмоғи керак. Ижронинг муваффақиятли чиқиши хонанданинг сахнада ўзини тутишига боғлиқ.

Хонандалик мактабларининг кўпи зарур деб атайдиган, гавдани тутишнинг фонацияга таъсири, унинг эркин, лекин фаол ҳолатига боғлиқ, бу пайларни фонацияга хизмат қилишга тайёрлайди. Шунинг ёнда тутиш керакки пайларнинг бундай ҳолати, яъни фонацияга хизмат қилишга тайёр ҳолат, нерв-пайлар тайёр ҳолати ҳамдир. Шундай қилиб, гавданинг ҳолати хонанда учун куйлашда жуда катта аҳамиятга эга.

Бош ҳолатининг аҳамияти.

Хонанда бошини тўғри ушламоғи лозим. Бошни юқорига кўтариш бўйиннинг олд қисми пайларини зўриқтиради ва кекирдикни сиқади, бу эса товуш ҳосил қилишда ўз таъсирини кўрсатади. Бошни ён томонга куйлаш вақтида эгиш мумкин эмас, чунки бу ҳолат умуман ҳеч қандай фойда бермайди. Юз турли ҳолатлардан холи бўлиши ва асар мазмунини ўзида акс эттириши лозим. Чехрадаги табассум ўқувчида хурсандлик, кўтаринкилик туйғуларини билдирадики, бу асар характери очишга ёрдам бериши керак. Табассум организмга тетиклик бахш этади. Зўраки табассум қилиш керак эмас. Бўйин пайлари зўриқмаслиги ва эркин бўлмоғи керак.

7-мавзу. Хонанданинг овоз апарати.

Хиқилдоқ – овознинг илк товуши пайдо бўладиган жой, куйчан ҳислатга эга: баландлиги, кучи, куйловчи тембрининг илк томони, вибратори рўй берадиган жой. Хиқилдоқнинг асосини ташкил этувчи тоғайларга: қалқонсимон, узуксимон ва иккита яссисимон тоғайлар киради. Қалқонсимон тоғайнинг тепа қисмида хиқилдоқ жойлашган.

Ютқин - оғиз бўшлиғининг эснашда ҳаво уриладиган макон.


Бурунютқин - ютқин ва бурунни бир-бири билан боғловчи қисм. У орқали бурун олган нафас ичкарига боради.

Артикуляцион органлар - товушни ҳосил қилади ва талаффузга ўз таъсирини кўрсатади.

Тил-асосий артикуляцион органдир.

Трохея ва бронхлар ташқаридан кирган ҳавони ўпкага ўтказадиган органлар. Нафас олаётганда барча мускул пайлари қатнашади.

Диафрагма кўкрак қисмини қориндан ажратиб туради ва чандирлардан ташкил топган.



1-расм. Овоз апаратининг тузилиши:

1-пешана бўшлиғи; 2- юқори раковина; 3-ўрта раковина; 4-остки раковина; 5-қаттиқ танглай; 6-юмшоқ танглай; 7-тил ости суяги; 8-ҳиқилдоқ қопқоғи; 9-қолқонсимон тоғай; 10-ҳақиқий товуш бойламлари; 11-кекирдак; 12-асосий бўшлиқ; 13-Евстахий трубанинг ҳалқум тешиги; 14-танглай миндалинаси; 15- 11-бўйин умуртқаси; 16-узуксимон тоғай; 17- овқат ўтиш йўли.

Саволлар:

1. Куйлашда гавдани тик тутиш қандай аҳамият касб этади?
2. Қўшиқчилик овозининг илк товуши қаерда пайдо бўлади?
3. Овоз ҳосил қилувчи органларни айтиб ўтинг.
4. Диафрагма нимани ажратиб туради ?
5. Овоз апаратининг артикуляцион бўлимларини айтинг.

Адабиётлар:

1. Л. Б. Дмитриев. Голосовой аппарат певца. «Основы вокальной методики». М., «Музыка», 1963
2. Д. Н. Аспелунд. Основные вопросы вокально-речевой культуры. М., Музгиз, 1933
3. А. И. Менабени. Органы голосового аппарата. «Методика обучения сольному пению». М., Просвещение, 1987
4. В. К. Ермолаев, В. Н. Лебедева. Анатомия и физиология органов голосового аппарата. «Руководство по фониатрии». Л., Медицина, 1970

8-мавзу. Нафас органлари анатомияси.

Сўзлаш ва куйлаш фонацияси вақтида нафас олиш аппарати томоқ ва артикуляция аппарати иш фаолияти билан чамбарчас боғлиқ бўлади. Куйлаш учун ишлатиладиган нафас фақат куйлаш вақтида ҳосил бўлиб, ривожланади.

Овоз аппарати 2 функцияни бажаради: I-томоқ ва нафас ердамида товуш ҳосил қилиш; II-шу товушни трансформал этиш, бу вазифани артикуляцион аппарат бажаради.

Нафас олиш органи:


а) трахея - 15 см яқин трубкасмон. Кўкрак қисмгача етиб борганда трохея ўнг ва чап бронхларга бўлинади, қайсики ўз навбатида яна кўп каналларга бўлиниб бронхиал дарахт ҳосил қилади. Трахея очик ярим доира тоғайлардан ташкил топган.

б) бронхлар - улар орқали ҳаво ўпкага етиб боради, бу ерда ўпка кўпиклари газ алмашувини бажаради. Инсон югуриб кетаётганида ўпка нафас олишни енгиллатиш ва вентилицияни кучайтириш учун максимал кенгаяди. Ухлаётганда улар тораяди, баъзи қисмлари эса нафас олишдан тўхтайди.

в) ўпка - эластик, ҳаводек енгил, губкани эслатади. Унинг асосий оғирлигини ундаги ўпка кўпиклари ташкил этади. Ўпка-ёмон товуш ўтказич ҳисобланади. Нафас олиш, яъни ҳавонинг ўпкага сурилиши, кўкрак қафасининг кенгайиши ва кўтарилиши натижасидир, ҳамда диафрагманинг туширилишидир.

г) диафрагма - кўкрак қорин мушакларининг мураккаб формасики, куполни эслатади.

д) нафас олиш ва чиқариш пайлари: кўкрак қафасининг нафас олиш пайлари қисқаради, нафас чиқариш пайлари аксинча бўшашади.



5-расм. Ўпка, бронхлар, ҳиқилдоқ ва юқори резонаторларнинг тузилиши:

1-ўпка; 2-бронх; 3-бронхиола; 4-альвеолалар; 5-тил; 6-шиқилдоқ; 7-кекирдақ; 8-кичик тилча; 9-ҳиқилдоқ қопқоғи.

Нафас олиш системаси нерв системаси томонидан 2 хил бошқарилади: ўз-ўзидан (эркин) ва эркин эмас.

Ўқувчи билан ишлаётганда нафас олишнинг қуйидаги принципларига риоя қилиш талаб этилади: сокин, керакли хажмда, чуқур нафас олиб, товуш чиқаришдан олдин уни ушлаб туриш, нафасни секин чиқариш ва тақсимлашни ўргатиш.

9-мавзу. Нафас олиш турлари.


Инсон ҳаётида нафас олишнинг аралаш туридан фойдаланади, унда: кўкрак қафаси, диафрагма, пайлар ва бошқалар.

Куйлашда нафас олиш қуйидагиларга бўлинади:

1. Қориндан-кўкрак қафаси кимирламайди, нафас олиш диафрагманинг кўйиб юборилиши билан бажарилади. Қорин бу вақтда олдинга чиқади.
2. Кўкрак қорин-(қовурғанинг пастки қисми-диафрагмалик) кўкрак қафаси ва диафрагма актив иш ҳолатида. Қорин озгина олдинга чиқади.
3. Кўкрак ости-(қовурға-диафрагмалик)-нафас олиш асосан кўкрак қафасининг пастки қисмини кенгайтириши ва кўтарилиши ҳисобига бажарилади. Диафрагма ишга киришади. Кўкрак ости нафаси қовурға ости-диафрагмалик нафасининг варианты ҳисобланади.
4. Кўкрак (қовурға)-кўкрак қафасининг тепа қисми кўтарилган, диафрагма пассив ҳолатда кўкрак қафаси орқасидан ҳаракатланади. Қорин ичга тортилади.

Хонандалик санъати тарихи, замонавий ижрочилик ва педагогик амалиёти шуни кўрсатадики, айтиб ўтилган нафас турларининг ҳар бирини билиш профессионал даражада куйлаш учун етарли.

Хонанда томонидан нафас олиш турларидан у ёки, бунисини танлаш куйлашдаги қулайлик ва товушнинг сифатига боғлиқ.



6-расм. Нафас турлари (пунктир билан нафас олиш ҳолати кўрсатилган)

А-аралаш кўкрак-қорин; Б-аралашкўкрак-қорин (ён кўриниши); В-чин диафрагматик (абдоминал ёки қорин); Г-пастки қовурға-қорин; Д-кўкрак-қорин; Е-чин кўкрак нафас, шунда қориннинг олдин қисми тортилади.

1-ўпкалар; 2-юрак; 3-диафрагма нафас чиқарилган ҳолатида; 4-диафрагма нафас олинган ҳолатида; 5-кўкрак қафасинафас чиқарилган ҳолатида; 6-кўкрак қафаси нафас олинган ҳолатида; 7-қорин нафас чиқарилган ҳолатида; 8-қорин нафас олинган ҳолатида.

Ўқитувчи ўқувчининг нафасдан қандай фойдаланасанганини диққат билан кузатиши керак, лекин, агарки товуш тўғри бўлса албатта, ўз фикрини унга сингдиришдан ўзини тутиши керак. Энг асосийси қандай нафас олиш эмас, уни қандай сарфлашдир. Овозни тўғри ҳосил қилиш учун қуйидагиларни билиш лозим:

- а) Ҳаддан ташқари кўп нафас олмаслик;
- б) Кераклича нафас олмасдан куйлашни бошламаслик;
- в) Товуш хужуми бошланганда ва куйлаш давомида, нафас ҳисини сақлаб қолиш;
- г) Жумла давомида нафасни тўғри тақсимлаш, нафаснинг жумла охиригича тўлиқ етиши, жумла тугагач, қолган ҳавони чиқариб юбориш керак.

Саволлар:

1. Овоз аппарати қандай икки функцияни бажаради?
2. Нафас органларини нималардан ташкил?
3. Нафаснинг турларини айтиб беринг.
4. Қўшиқчилик овозини яхши ташкил этиш учун нималар зарур?
5. Фонацион нафас чиқариш, уни товуш характери билан алоқасининг аҳамияти?

Адабиётлар:


1. Л. Б. Дмитриев. Дыхание. Анатомия дыхательных органов. «Основы вокальной методики». М., «Музыка», 1963
2. В. К. Морозов. Искусство пения – искусство дыхания. «Тайны вокальной речи». Л., Наука, 1967
3. С. Юдин. Вдох, опора дыхания и работа голосовых связок. «Формирование голоса певца». М., Музгиз, 1962
4. Л. Ярославцева. О способах регуляции певческого выдоха. «Вопросы вокальной педагогики». М., Музыка, 1976

10-мавзу. Кекирдак тузилиши (гортань)

Кекирдак мустаҳкам ва мураккабдир. Томоқнинг тери қисми тоғойларга бирикиб кетган, тоғойлар: қалқонсимон, яссисимон, узуксимон. Қалқонсимон тоғойнинг тепа қисмига томоқтепаси уланиб кетган, у баргсимон формада.

Бу вақтда узуксимон тоғойнинг жойи қалқонсимондан узоқлашади.

Қалқонсимон тоғай олдинга эгилиши мумкин, бу ўз навбатида овоз пардаларининг сиқилишига олиб келади.



3-расм. Ўрта чизикдан кесилган ҳиқилдоқ кўриниши: 1-тил; 2-тил ости суяги; 3-ҳиқилдоқ қопқоғи; 4-овоз тешиги; 5-ҳақиқий товуш бойлами; 6-узуксимон тоғай; 7-қалқонсимон тоғай; 8-қалқонсимон тоғай дойрачалари; 9-узуксимон тоғайнинг узуги.

Яссисимон тоғайлар, узуксимон тоғайнинг тепасида жойлашган бўлиб, вокал ва мушак ўсимталарига эга.

Куйлаш давомида кекирдакнинг ҳолати.


Куйлаётганга ҳиқилдоқнинг фаолияти 2 принципга ажратилади: ҳиқилдоқнинг ўз жойида қўзғолиши ва ҳиқилдоқ мушакларининг иши.

Ҳиқилдоқ катта ҳаракатланувчанлиги билан ажралиб туради. Ҳар бир хонанда қандайдир усуллар билан ҳиқилдоқни пастга тушуриши ва кўтариши мумкин: масалан тинч ҳолатдагидан 3,5-4 смга кўтариши мумкин.

Ҳиқилдоқнинг пастланиши ёки тепагага кўтарилиши унинг ҳажмини ўзгартиради. Бу эса товуш тембрининг ўзгаришига олиб келади.

Ҳар бир овоз ўзига хос, маълум бир трубага эга бўладики, бу ҳиқилдоқнинг куйлаш вақтидаги позициясини аниқлайди. Керакли ҳажмдаги овоз труба овозга ўзига хос товуш беради ва овоз тегиши ўз ишини эркин бажаради.


Ҳиқилдоқ ҳолатининг ўзгариши ютқин ва оғиз бўшлиғидаги резонанс шароитини ўзгартиради, форманта муҳитини жойидан силжитади.



14- расм. Куйлашда ҳиқилдоқнинг ҳолати. Г.Гаспарянда нутқдан куйлашга ўтганида унинг ҳолати, айнан юқори нотада кўтарилади. Е.Шумская нинг ҳиқилдоқи ҳолатининг ўзгариши озгина. З.Долуханованинг ҳиқилдоқи бироз тушурилади, И.Петровники эса анча пастга.

Энг кичик овоз трубаси сопрано овозида (15,3-18,5 см), энг узини бас овозида бўлади (23,3-25,0 см).

Куйловчи учун ҳиқилдоқнинг қулай позициясини топиш жуда муҳимдир, бутун диапазон ва унлилар ижроси давомида ҳиқилдоқ шу позицияни сақлаб қолиши лозим.




4-расм. Ҳикилдоқни ушлаб турадиган ташқи мушаклар:

1-бир томони билан остки жағга, бошқа томони билан тил остидаги суякка боғланган мушаклар; 2-юқоридан тил ости суягига ва ҳикилдоқнинг қалқонсимон тоғайга,пастидан эса кўкрак қафасига боғланган мушаклар; 3-ёрдамчи нафас мушаги; 4-юқоридан бош чаноғига, пастидан эса тил ости суягига боғланган мушаклар.

Овоз тешиги овоз пайларининг чекка қисмидан ташкил топган.

Овоз пайлари-ҳикилдоқнинг қизғиш шиллик териси фонида перламутор-оқиш рангда кўринади, эркакларда пушти, ялтироқ йўл-йўл кўринади. Овоз пайлари ўзига хос қалинликка эга. Овоз пайларининг қалинлигини вокал мушаклари ташкил этганки, улар эркин ҳаракатланади.



2-расм. Лорингоскоп ёрдамида кўрилган ҳикилдоққа кириш ва ҳикилдоқ бўшлиғининг кўриниши:1-ҳикилдоқ қопқоғи; 2- ҳикилдоқнинг орқа томони; 3- ҳақиқий товуш бойламлари; 4-нафас олиш пайтида кўринадиган кекирдак дойрачалари.

Ҳикқилдоқнинг ички мушаклари фаолияти натижасида овоз пайлари, яссисимон тоғай қайилганда бир-бирига яқинлашиб туради, қалқонсимон тоғай эгилганда, чўзилади, яна қалқон-яссисимон тоғай иши натижасида, у ёки бу даражада сиқилади. Орқа узук яссисимон мушакдан ташқари барча тоғайлар овоз тешигининг ёпилишига ва очилишига хизмат қилади.

11-мавзу. Товуш ҳужуми товуш ҳосил қилиш назарияси.

Товуш ҳужуми - куйлашга ўзгача ифода берувчи восита, товуш пайдо бўлиш вақти. Овоз пардалари жипслигига, нафас чиқаришнинг кучи ва характерига қараб товуш ҳужуми: қаттиқ, майин ва нафас олишдан кейинги ҳужум бўлиши мумкин.

Товуш ҳужуми овоз пайлари тебранишини яхши ҳис этишга ёрдам беради. Товуш ҳужуми нафақат ифода берувчи, балки овоз аппаратида педагогик таъсир учун энг зарур воситалардан. Товуш ҳужуми орқали педагогик таъсир методи, хонанданинг овоз тешиги хаддан зиёд актив ишласа, ёки суст ишлаган вақтда қўлланилади.

Ҳар бир хонанда товуш ҳужуми турларини яхши билиши зарур. Овоз ҳосил қилишнинг икки теорияси мавжуд: миоэластик (мушак ва пайлар эластиклиги) ва нейрохронаксик.

Миоэластик теорияси асоси куйидагича: овоз ҳосил бўлиши учун овоз пайларининг тўла ишлаши ва унинг остидаги ҳаво босимини кўтариш, товуш ҳосил бўлиши учун эса овоз пайлари иш фаолияти учун керакли тонуснинг бўлиши етарли. Тебранишнинг ўзи овоз пайлари ости босимининг пассив ҳаракати таъсири билан амалга оширилади.

Нейрохронаксик теорияси-(Фаранг олими Р.Юссон таклифи). Овоз пайларининг тебраниши - ҳикқилдоқнинг бевосита функцияси натижасидир.

Кейинги йилларда илмий изланишлари натижаси шуни кўрсатадики миоэластик теорияси нейрохронаксик теориясига қараганда тўғри ва мукамалроқ, бу эса миоэластик теорияси овоз ҳосил қилишда қўллаш учун мос дегани.

Саволлар:

1. Товуш пайчалари қаерда жойлашган?
2. Тинч ҳолатда турган ҳикқилдоқни қанчалар пастга тушуриш ёки юқорига кўтариш мумкин?
3. Қайси овозлар куйлашда энг қисқа ва узун овоз трубкасига эга (см.)?
4. Товуш ҳужуми ва унинг товуш ҳосил бўлиш жараёнига таъсири?
5. Товуш ҳужумининг асосий турлари айтинг.

Адабиётлар:

1. Л. Б. Дмитриев. Работа гортани в пении. «Основы вокальной методики». М., «Музыка», 1963
2. А. Менабени. Атака звука. «Методика обучения сольному пению». М., Просвещение, 1987
3. А. Вербов. О положении гортани. «Техника постановки голоса». М., Музыка, 1961

12-мавзу. Хонанда овози ва унинг тавсифи.

Хонандалик санъати ривожининг дастлабки даврида овозлар тавсифи оддий бўлган: икки турдаги эркаklar ва икки турдаги аёллар овозлари, бу бўлиниш шу кунларгача давом этган. Вокал дастурларининг мураккабланиши натижасида овозлар тавсиф жихатидан бора-бора дифференцияланди.

Эркаklar овози. Тенор (с-с²)

тенор-альтино	-енгил ва тиниқ янграйди d ² гача чиқиши мумкин.
лирик	-майин, кумушсимон тембр (Собинов, Лемишев).
характерли	-чиройдан ҳоли.
лирик-драматик	-диапазони кенг (Джилъи, Нэпп ва бошқалар).
драматик	-бақувват овоз, драматик ҳолатни очиб беради (Карузо, Монако ва бошқалар).

Баритон (А-g¹)

лирик	-тенор тембрига яқин, лекин баритон жиҳатларига эга (Баттистини, Мигай).
лирик-драматик	-ёркин тембр, сезиларли кучга эга (Хохлов, Гобби, Гуляев).
драматик	-садоланиш жиҳатдан бас овозига яқин. Кучли, партия тесситураси паст (Титта, Руффо, Головин).

Бас (F-f¹)

бас-баритон (бас-кантанта) марказий бас	-баланд, куйча бас (Шаляпин, Огнивцев, Христов).
	-баснинг жорангдор, кучли қисми унинг макази (Пирогов, Глуков, Рейзен)
паст (бас профундо)	-«чуқур» бас паст регистрда тўлиқ ва паст садоланади (Михайлов, Поль Робсон).
октавочилар бас партияси	-хор жамоаларида ишлатилади. F катта тушиши мумкин.

Аёллар овози. Сопрано (с¹-с³)

колоратура	-энг енгил, тиник ва ёрқин садоланади. Ҳаракатчан овоз (Галли-Курчи, Мирошниченко).
Лирик -колоратуро	-йўғонроқ тўлароқ эшитилади (Нежданова, Руденко, Олейниченко, Сазерленд).
лирик	-илиқ, еқимли тембрга эга бўлиб юмшоқ садоланади (Шумская, Шпиллер).
лирико-драматик	-диапазони тўлиқ, бўрттирилган, кучли садоланади. Кўкрак тембри (Милашкина, Мария Каллас, Рената Тебаль).
драматик	-бақувват садоланади. Пастки кўкрак регистри товушларга эга (Сливинская, Роза Понселл, Бригит Нильсон).

Мецо сопрано.

юқори	-пастки кўкрак, иллик тембр (Максакова, И.Архипова).
паст	-янада чуқурроқ, қалин садоланади паст тембр (Обухова, Преображенская, Борисенко).

Контральто.

-аёлларнинг энг паст овози бўлиб, куюқ тембрга эга, жуда кам учрайдиган овоз (Антонова, Збруева, Мариан Андерсон).


13-мавзу. Регистрлар.

Овоз регистри деганда услубиёт нуқтаи назаридан товушларнинг ўзига хос садоланишига, физиологик нуқтаи назаридан овоз пайларининг ўзига хос иш фаолияти тушунилади.

Эркаklar овози регистрлари:

Эркаklar овози кўкрак ва бош (фальцет) регистрга эга. Овознинг кўкрак ва фальцет садоланиши овоз пайларининг иш фаолиятига боғлиқ.

Эркаklar овозида кўкрак регистри деярли бир ярим октавани ташкил этади. Кўкрак регистрида овоз пайлари четки мушаклари бутун овоз пайлари бўйлаб бир-бирига яқинлашиб, ёпилади. Фалцет яъни бош регистрида овоз пайлари охиригача ёпилмайди ва фақат чекка қисми тебранади. Аралаш овоз ҳосил қилишда (микст-лат.) овоз пайлари кўкрак ва фальцет типларида фаолият юритади. Регистрдан-регистрга ўтиш овоз пайлари ишини ўзгартиради.



Қадим итальян мактабларида эркаклар овозининг табиий кўкрак ва фальцет регистрлари қўлланилган, 1825 йилдан бошлаб эса тенор овозлари микст садоланишда фойдаланганлар. Француз тенори Т.Дюпре микст овозининг барча имкониятларидан фойдаланиб, юқори «до»гача чиқади.

Аралаш регистр диапазоннинг текислигига эришишда ва юқори ноталарнинг тўлақонли садоланишида қўл келади.

КОНРАЛЬТО

Кўкрак
регистр

аралаш
регистр


бош
регистри



Эркаклар баланд овози – ТЕНОР (бир октавага паст эшитилади)

кўкрак регистри

бош регистр



Эркаклар паст овозлари

БАРИТОН

Кўкрак регистри


бош регистр



БАС

Кўкрак регистри

бош регистр



Аёллар овози регистрлари.

Кўкрак регистри аёллар овозида диапазоннинг энг пастки ноталарни ўз ичига олган бўлиб, терция ёки квинта қамровида бўлиши мумкин.

Бош регистри диапазоннинг энг юқори ноталарига боради.

Ўрта регистр диапазоннинг октава ва ундан кўпроқ қисмини эгаллаган.

Аёллар овози регистрлари, эркаклар овози регистрлари каби овоз пайлари иш фаолиятининг ўзгаришига боғлиқ.

Аёллар баланд овози.

СОПРАНО



Аёллар паст овозлари.

МЕЦЦО – СОПРАНО



Аёллар овози диапазоннинг текислиги устида ишлаш асосий принциплари худди эркакларники каби: диапазон марказида овоз ҳосил қилишда аралаш регистрларнинг иш фаолиятини бенуксонлигига эришиш, нафасни асталик билан етказиш, юқори ноталарда О ва У унлиларининг ёпиқ ижроси, юмшоқ овоз хужуми ва овознинг эркин садоланиши.

Саволлар:

1. Аёллар овозининг тавсифини айтинг.
2. Эркаклар овозининг тавсифини айтинг.
3. Кўшиқчилик овозида регистр тушунчаси остида нима тушунилади?
4. Эркаклар ва аёллар овозларининг регистр тузилиши?

5.Регистрларнинг чегаралари ва хонандалик овози турларида ўзаро алоқадорлиги.

Адабиётлар:

1. С. Юдин. О регистрах. «Формирование голоса певца». М., Музгиз, 1962
2. Е. Рудаков. О регистрах певческого голоса и переход к приктым звукам. «Музыкальное искусство и наука». М., Музыка, 1976
3. Л. Б. Дмитриев. Регистры. «Основы вокальной методики». М., «Музыка», 1963

14-мавзу. Ўткинчи ноталар ва овоз ҳаракатининг равлонлиги.

Ўткинчи ноталар:

Сопрано	-e-f-fis ¹ ва e-f-fis ²
Лицо-сопрано	-c-d-dis ¹ ва c-cis-d ²
Тенор	-e-f-fis-g ¹
Баритон	-d-dis-e ¹
Бас	-a-hes-h ^M -c-cis ¹

Овоз ҳаракатининг равлонлигига эркаклар овозида, овозини тўғри ҳосил қилиш ва регистрларни аралаштириш орқали эришилади.

Хиралашган товуш кекирдик трубалари импеданси кенгайиши натижаси.

Микстлаш (аралаш)-пайларининг асосий иш фаолияти.

Беркик-юқоридаги икки типнинг бирлашгани. Беркик товуш усуллари: тақлид, О ва У нинг чуқур талаффузи, микстлаш ва хиралаштириш.

Аралаштира олиш характери ўқувчининг овоз аппарати индивидуал хусусиятларига боғлиқ.

Диапазоннинг ўрта қисмида товушни тўғри ҳосил қилиш, динамик жиҳатдан тўғри тузиш, нафас етказиб бериш нуқтаи назаридан садоланишнинг «юқори позиция»да бўлиши диапазоннинг юқори қисмида товушни беркик ҳолатини тўғри топиш дегани.

Овознинг юқори ноталарга ўтишини, беркик ва аралаш овоз ҳосил қилишни қуйидаги «даволовчи» воситалар енгиллаштиради: фальцет, нафас олишдан кейинги ҳужум. Шунинг учун: товушни ўртача кучи, юмшоқ товуш ҳужуми, юмшоқ садоланиш, О ва Уда импедансни кенгайиши, узлуксиз ва юмшоқ нафас, товуш таянчи ҳиси тавсия этилади.

Аёллар овозида диапазон давомида товушлар текислигига эришиш, диапазоннинг ўртасида овоз ҳосил қилишнинг аралаш тури табиий борлиги учун осонлашади. Аёлларда диапазон текислиги устида ишлаш принциплари худди эркакларникига ўхшашдир.

Саволлар:

1. Аёллар ва эркаклар овозларининг ўткинчи ноталарини айтинг.
2. Беркик товуш нимани билдиради?
3. «Примар» зона нима?
4. «Хириллашган» ва «микстлаш»ган товуш фарқини айтиб беринг.
5. Оҳангнинг йўналишида ёки унли товушни ижро этишда ўткинчи товушларнинг қандай боғлиқлиги бор?

Адабиётлар:

1. Р. Юссон. Физиологическая природа прикрытого звука. «Певческий голос». М., Музыка, 1974

2. В. Контарович. Учение о примарном тоне, закрытом звуке и регистрах в певческом и речевом голосе. «Гигиена голоса». М., Просвещение, 1987
3. Л. Б. Дмитриев. Регистры. «Основы вокальной методики». М., «Музыка», 1963
4. А. Яковлева. Формирование верхнего участка диапазона мужских голосов. «Вопросы вокальной педагогики». М., Музыка, 1984

15-мавзу. «Кўкрак ва бош резонаторлари».

Бутун диапазон давомида кўкрак ва бош резонаторнинг ишлаши бу овознинг яхши ва тўғри қўйилгани ҳисобланади.

Овоз бошда резонаторланганда товуш ёрқин, баланд, эшитилади. Кўкрак қисмида резонаторланганда - бой ва «гўштли» янграйди.

Оғиз ва ютқин резонанси унлилар садоланишига олиб келади. Юқори куйлаш формантаси шаклланиши бутун ҳиқилдоқ резонансига боғлиқ. Танглай куббасидан юқорида жойлашган резонатор - бу бош резонаторидир. Юқори резонаторни ҳосил этувчи аъзолар суяк ва тоғайлардан иборат, улар эса ўз шаклини ўзгартирмайди, фақат бурун-ютқиндан бошқа.

Кўкрак резонатори эркалар овози диапазонининг 1,5 октавасини ташкил этади, аёллар эса кўкрак резонаторидан овоз ҳосил қилишдан пастки ва ўрта диапазон қисмида фойдаланадилар. Акустик нуқтаи назаридан бу трахея ва йўғон бронхларда рўй беради.

Бош ва кўкракда резонаторлаш овоз тешигининг у ёки, бу фаолияти натижасидир. Резонаторлаш ҳисси ҳиқилдоқ ишини рефлектор бошқаради, шунинг учун куйлаш вақтида резонаторлаш ўз-ўзидан, енгил содир бўлади. Доим садоланишда бош ва кўкрак резонаторлари уйғунлигига эришишга ҳаракат қилиш керак. Бунда биз ўтқинчи регистр ҳолатида куйлашдан ҳоли бўламиз.

Овоз таянчи.

Таянч - бу хонандага ўз овозидан эркин ва қийинчиликсиз фойдаланишига шароит яратиб берувчи энг асосий ҳисдир.

Овоз таянчи деганда, овоз ҳосил қилишнинг тўғри бўлишини таъминловчи, мураккаб ҳис айтиладики, бу ҳис аниқ ва турғун бўлганлиги учун яна таянчли ҳам дейилади.

Таянч ҳиси субъектив ҳис этилади ва шунинг учун ҳар бир хонанда, уни турлича ҳис этади.

Товуш таянчи тушунчасига: овоз пайлари пастки ҳисми босимини кўтариш, нафас, ҳиқилдоқ мушаклари ва вибрацион ҳиснинг таранглашиши киради.

Профессional хонанда овоз аппарати куйлаш вақтида ҳиқилдоққа кириш қисмининг кескин торайиши билан характерланиб, таянчли товуш ҳисини уйғотади. Ҳиқилдоққа кириш қисмининг торайишида ҳиқилдоқнинг кириш қисмидаги халқасимон мушаклар, яна ҳиқилдоқни ўраб турган органлар: тил илдизи, ҳиқилдоқ тепаси, тил остидаги суяклар иштирок этади.

Ўқувчида машғулотлар бошида таянч ҳиси бўлмайди. Вақт давомида таянч ҳиси пайдо бўла бошлайди.

Енгил овоз ҳосил қилиш, овоз мушакларининг толиқмаслиги учун, ҳиқилдоқ устки ва ости босимини тўғри бошқариш кучини топиш керак.

Таянч ҳиссини ўзгариши овознинг профессионаллик сифатини йўқолишига олиб келиши мумкин.

Таянч ҳисси куйлаётган вақтда ўзига ишончни туғдиради ва овоз ҳосил қилишни қулайлаштиради. Бу ҳисни топиш ва ривожлантиришга интилмоқ керак.

Саволлар:

1. Овоз аппаратининг резонаторларини айтинг.
2. Овоз резонаторларининг функцияларини айтиб беринг.
3. Кўкрак резонатори, унга характеристика.
4. Хонандалик форманта нима ва уларнинг қўшиқ куйлашдаги роли?
5. Таянч ҳисси нима?
6. Қайси амалий усуллар таянч ҳиссининг ривожланишига ёрдам беради?

Адабиётлар:

1. Л. Б. Дмитриев. Регистры. «Основы вокальной методики». М., «Музыка», 1963
2. В. Кантарович. Роль резонаторов в звучании голоса. «Гигиена голоса». М., Музиздат, 1955
3. В. Морозов. Высокая певческая форманта и её основные свойства. «Биофизические основы вокальной речи». Л., Наука, 1977
4. С. Юдин. Вдох, опора дыхания и работа голосовых связок. «Формирование голоса певца». М., Музгиз, 1962
5. Р. Юссон. Физиологический анализ опоры дыхания. «Певческий голос». М., Музыка, 1974

16-мавзу. Куйлаётганда лаб, тил ва юмшоқ танглай иш фаолияти.

Лаблар. Куйлаётганда қандай унли товуш талаффуз этишидан қатий назар нота чўзиб туриладиган бўлса лаблар бир ҳаракатда, яъни бир шаклда бўлади. И харфида лаблар тишларни очик кўрсатган ҳолда, У да эса олдинга чўзилган ҳолда бўлади. Е, А, О харфлари оғиз думалоқ ҳолатда бўлгани учун очик думалоқ шакл ҳосил қилади.

Сопрано ва тенор овозлари «таббассумдан» фойдаланадилар. Бас, баритон ва меццо-сопрано овозлари лабларни олдинга чўзиб куйлаш позициясидан фойдаланадилар. Лаблар унли ҳарфларни талаффузи вақтида, талаффузининг бошланғич этапида фаол иштирок этади, кейин эса бир маромда, пассив ҳаракат билан хонанда овозига ўзгача ранг берувчи вазифасини бажарди, бир товушдан иккинчисига ўтаётганда ҳам фаоллик кўрсатмайди.

Тил - рентген нурлари орқали кузатишлар натижаси шуни кўрсатдики: тилнинг «классик» ўрни товуш ҳосил қилишда катта аҳамият касб этмайди ва яхши ёки ёмон товушнинг сабабчиси бўлмайди. Агар товуш тўғри ҳосил бўлган бўлса, унлилар талаффузи бузилмаса ва артикуляцион аппарат каттиқ ҳолатда бўлмаса, тил турли ҳолатда жойланиши мумкин.

Юмшоқ танглай-куйлаётганда тўсиқ вазифасини бажаради, бурунютқин йўлини тўсади. Танглайнинг ютқинга яқинланиши, товуш садоланишида бурунда куйлаш тусини бермайди.

Хонандалик педагогикасида юмшоқ танглайни жойлаштириш ҳақида турли фикрлар мавжуд, лекин бу вазифани ҳар бир хонанда индивидуал, ҳис этиб, бажаргани маъқул.

Хонанданинг артикуляция аппарати эркин бўлиши керак, жағ худуди сиқилмаслигига ва бир жойда - «классик» ҳолатда қолмаслиги керак.

Хонанданинг нутқи.

Матнни тингловчига тўғри етказиш ва куйлаётган сўзларни аниқ талаффуз этиш - профессионал хонандаликнинг асосий шартларидан.

Куйлаётганда нутқ равон (талаффуз аниқлигига эришиш), табиий - яъни куйлашда товушни бузмайдиган, ифодали (ўзига ифодали нутқ элементлари жамлаган), куйчан (куйчан унлилар асосида).

Талаффуз куйлаётганда нутқ каби равонлик ва ундошларни аниқлиги асосида бўлади. Ундошларнинг актив талаффузи, бўрттириб айтилиши, куйни бузмаслиги учун уларни тез талаффуз этиб навбатдаги унлига боғлаб куйлаш керак: Я-ва-сю-блю еки ме-нси-зни се-ва-рдим.

Жуда кўп тажрибасиз хонандаларнинг асосий ҳатолари: бу сўз охиридаги ундошларнинг талаффузи, тўғрироғи уларни тушириб қолдиришларидир. Худди шунга ўхшаш ҳатоларнинг яна бири лабнинг бўшашган ҳолати, бу ҳато машқлар орқали бартараф этилади.

Ундош ҳарфларнинг аниқ талаффузи навбатдаги унлиларнинг ҳатосиз куйланиши гаровидир.

Куйлаганда сўзлар ичида тоза ва аралаш унлилар учрайди. Тоза унлилар сўзда урғули бўлади, қолганлари ўткинчи. Масалан: Боғим-г/**а**/ к/у/**й** ил-/**а**/ ёр к/**е**/л, қувноқ /**о**/воз ил/**а**/ /ё/**р** к/**е**/л.

Куйлаш нутқининг табиий бўлиши учун қўшиқда сўзлаш оҳангини ва урғуларни тўғри ишлатиш билими аҳамиятга эга, бу эса сўзни ифодали қилади.

Қўшиқдаги аниқ, табиий ва ифодали сўзлар куйчан бўлмоғи лозим, яъни: овознинг текис, эгилувчан, ифодали оҳангига сингдирилган.

Куйлаётганда нутқ табиий чиқиши учун, қўшиққа сўзлашиш оҳангини сингдириш керак, бу ўринда бўғинларни куйлаш шартларига риоя этиш талаб этилади, масалан унлиларни нота узунлиги давомида тўлиқ, «ушлаб туриш», - куйлаш.

17-мавзу. Овоз тарбиялашнинг фонетик услуби.

Куйлаш - мусикий санъатнинг, ижро, куйлаш вақтида матнни ифодали етказиб бериш зарурлигига чамбачас боғлиқ бўлган ягона туридир.

Куйлаш асосан унлилар ёрдамида амалга оширилади. Овознинг куйчанлигини ривожлантиришда фонация билимига таянган ҳолда тўғри унлиларни танлаш керак (сўзнинг ичидан).

«И»-унлиси позиция жиҳатдан «юқори» бўлиб садоланишда «яқин» ва ёрқиндир. Унлилар орасида энг юқори фармантага эга, шунинг учун жарангдор, ёрқин, яқин ва йиғинчоқ деб қабул қилинади. Бошда резонанциялаш ҳисини уйғотади.

«Е» унлиси - ҳам «ёрқин» ва «яқин» садоланади. «И»га қараганда тарқоқ янграса, «А», «О» ва «У»ларга нисбатан кенгроқ янграйди.

Тил оғиз бўшлиғида эркин жойлашади ва у оғизни кенг очишга имконият беради. «Е» - товуши ўртача импедансга эга бўлиб, эркаklar овознинг юқори регистрини шаклланиши учун қулайдир. У яна товуш ҳужумининг актив бўлишига қулай, ҳиқилдоқ суст ишлаганда кўл келади.

«А» унлиси - тилнинг тинч ҳолатида ҳосил қилинади, ютқин торайган, оғиз эса кенг очилган бўлади. Бу ҳарф жарангли бўлгани учун ижро этиш ортиқча ҳаракат талаб этмайди. Унинг ёрқин ва жарангли, яқин садоланиши овоз тешиги иш фаолияти ва ҳиқилдоққа тепа овоз пайларининг ташкилланишига боғлиқ. Агарда ҳиқилдоқда юқори обертонлар яхши ҳосил қилинмаган бўлса «А» товуш сифатида хира ва узоқ садоланади. «А» ҳарфини «ёпиқроқ» куйлаш лозим.

«О» унли товуши - «А» товушининг барча ҳислатларига эга, лекин тембр жиҳатдан тўқроқ (хирароқ) садоланади ва катта импедансга эга. Айнан шу сифати эркаklar овози диапазонинг юқори қисмидаги товушларини ёпиқроқ бўлиши учун ишлатилади.

«Ў» унли товуши энг чуқур, тўқ рангли садоланувчи «узоқ», «бахмал» товуш.

«У» - катта импедансга эга, ундан ҳам эркаklar овози диапазони юқори қисмини ёпиш учун ишлатса бўлади.

Фонетик услуб товуш бирикмаларини тўғри танлашга ёрдам беради, бу эса овознинг гўзал сифатларини намоиш этишга ёрдам бериши аниқ.

18-мавзу. Хонанданинг ҳаёт тарзи (режим).

Хонанданинг организм фаолияти энергия сарфлаш ва уни тиклашдан иборат.

Барча меҳнат фаолияти каби, хонандалик фаолияти ҳам меҳнатнинг маълум бир нормасини ва уни вақт жиҳатдан тўғри тақсимлашни талаб қилади.

«Хонанда ўзининг биринчи навбатда хонанда эканини унутмасдан, атрофга назар ташлаб, маълум қоидаларга риоя этиб яшаши лозим»!

Хонанда соғлом, психикаси мустаҳкам бўлиши керак. У албатта ўз нерв системасини авайлаши керак, уни турли зўриқишлардан, психик травмалардан асрашиш лозим. Лекин у иссиқ хона ўсимлигига ҳам айланиб қолиши керак эмас.

Овоз апаратининг иш фаолияти ички органларнинг ҳолатига боғлиқ, ички органларнинг носоғломлиги куйлаш вақтида кийинчиликларни юзага чиқаради.

Хонанданинг умумгигиеник ҳаёт тарзи дам олиш, ишлаш, овқатланиш, бадан тарбия ҳаракатларини маълум даражадаги тартибини талаб этади. Масалан: хонанда куйлашдан 3-4 соат олдин овқатланиши, таомни керагидан ортиқ емаслиги керак.

Хонанданинг ўзи «муסיқий создир». Унинг овози фақат у соғлом бўлсагина яхши янграйди. У нерв системасини авайлаши керак. Вақтида ухлаши ва бу 7-8 соатдан кам бўлмаслиги керак. Ухлашдан олдин ишламаслиги керак. Овқатни кўп емасликлари, лекин овқат турли ва калорияга бой бўлиши лозим. Хонанда пиёда юриша, бадан тарбия билан шуғулланса яхши бўлади. Дам олишнинг энг яхши формаси - бу табиат бағрида актив дам олишдир.

Чекиш ва ичкилик ичиш хонандага зиддир.

Саволлар:

1. Юмшоқ танглай куйлашда қандай вазифани бажаради?
2. Куйлашда ва сўзлашувда артикуляциянинг хусусиятлари қандай?
3. Унли товушларнинг куйлашдаги ўрни.
4. Ундош товушларни артикуляцион ҳосил қилиш техникаси қандай?
5. Унли ва ундош товушларнинг куйлашдаги ўзаро боғлиқлиги ҳамда уларнинг бир ҳолатда шаклланиши.
6. Турли унли товушларнинг жарангли ва жарангсиз садоланиш сабабларини айтиб беринг.
7. Тоник ва мантиқий урғулар ҳамда уларнинг қонуниятлари.
8. Шеърый матн мантиқи муסיқий жумланинг мантиқий чўққиси билан мослиги.

Адабиётлар:

1. Д. Аспелунд. Основные вопросы вокально-речевой культуры. М., Музыка, 1933
2. Л. Б. Дмитриев. Гласные в пении. «Вопросы вокальной педагогики». М., Музгиз, 1962
3. П. Фролов. Речь (дикция) певца и значение ее воспитания. «Пение и речь в свете учения И. П. Павлова». М., Музыка, 1966
4. К. Виноградов. Работа над дикцией в хоре. М., Музыка, 1967
5. К. Станиславский. Работа актера над собой. М., Искусство, 1951